



QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks-652-14-65, 652-19-48

2021 - yil 12 - may

154-4-63-Q/21

Mirishkor tumani hokimiyati

Миришкор туман Янги Миришкор МФЙ ҳудудидаги захира ерларидан фуқаро Ҳусайинов Ойбек Абдивалиевичга фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 53 моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини инобатга олиб, халқ депутатлари Миришкор туман кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1 Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро **Ҳусайинов Ойбек Абдивалиевичга** паррандачилик фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокимлиги захира ерларидан Миришкор массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 454қ-контурида жойлашган жами 1,0 гектар шундан 1,0 гектар суғориладиган экин ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Абдивалиева Гулсевар” фермер хўжалиги раҳбари **Ҳусайинов Ойбек Абдивалиевичга** ер участкасига бўлган кадастр йиғма жилдларини шакллантириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш (*Давлат хизматлари маркази орқали буюртманомага асосан*), ер участкасидан белгиланган мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Миришкор туман бўлими (Б.Хосиятов) ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини доимий назорат қилиб борсин.

5. Кадастр палатаси Миришкор туман филиали (А.Қаххоров) ажратилган фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгиласин ҳамда давлат ер кадастри ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

6. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев